

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУДИНИНГ
АЖРИМИ**

2026 йил февраль ойининг 16 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг ўз биносидаги очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Б.Мамажонов,

ҳайъат судьялари: О.Мирсадиқов ва Р.Зариповдан иборат таркибда, И.Тўхтауновнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ғ.Рўзиев, жабрланувчи Ш.Лочинов ва унинг вакили – адвокат Х.Нуритдинов, судланган Х.ХХХ ва унинг ҳимоячиси Ф.Валиева, судланган Х.ХХХХ ва унинг ҳимоячиси – адвокат И.Мадаминовнинг иштирокида, Х.ХХХ ва бошқаларга оид жиноят ишини судланган Х.ХХХХнинг ҳимоячиси билан биргаликдаги, судланган Х.ХХХ ҳамда жабрланувчи Ш.Лочиновнинг апелляция шикоятлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2025 йил 15 октябрдаги ҳукмига кўра,

- 1) [REDACTED] туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, уч нафар фарзандлари бор, маълумоти олий, ишсиз, муқаддам жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2023 йил 4 сентябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлиги муносабати билан тугатилган, [REDACTED] яшаган, иш бўйича 2025 йил 5 май кунидан эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланаётган [REDACTED] га

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан 3 йил, 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 8 йил, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 228-моддаси 3-қисми билан 1 йил, 229¹-моддаси 2-қисми билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 229⁶-моддаси 2-қисми “а,б,в,г” бандлари билан 2 йил давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 59-моддаси 3-қисми ва 61-моддаси тартибида 2 йил давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;



2) [REDACTED] туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, оилали, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам:

1) жиноят ишлар бўйича Олтиариқ туман судининг 2022 йил 28 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми “а” банди билан 4 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2025 йил 6 январдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан жазонинг 2 йил 7 ой 17 кунини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 20 майдаги ажримига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилган;

3) жиноят ишлар бўйича Қува туман судининг 2025 йил 8 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 241-моддаси 1-қисми билан 45-моддаси қўлланиб, 1 йил 6 ойга Ўзбекистон Республикаси Давлат Кадастрлар тизими ҳамда давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда моддий жавобгарлик ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 60 ва 61-моддаларига асосан 1 йил 6 ойга Ўзбекистон Республикаси Давлат Кадастрлар тизими ҳамда давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда моддий жавобгарлик ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, Фарғона вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасида ер мониторинг шўъбаси раҳбари лавозимида ишлаган, ҳозирда ишсиз, [REDACTED] яшовчи, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган [REDACTED] га

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан 45-моддаси қўлланиб, 2 йил давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддаси 3-қисми билан 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 59-моддаси тартибида 2 йил давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 59-моддаси 8-қисми, 60 ва 61-моддаларига асосан 2 йил 6 ойга Ўзбекистон Республикаси Давлат Кадастрлар тизими ҳамда давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда моддий жавобгарлик ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 4 йилга иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари вақтда яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинланган.



3) [REDACTED] туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, уч нафар фарзандлари бор, судланмаган, маълумоти ўрта, ишсиз, [REDACTED] уйда яшовчи, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган [REDACTED] га

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари билан 2 йил, 228-моддаси 3-қисми билан 1 йил, 59-моддаси тартибида 2 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

4) [REDACTED] туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, уч нафар фарзандлари бор, судланмаган, маълумоти ўрта, Давлат кадастрлар палатаси Фарғона вилояти бошқармаси Тошлоқ тумани филиалида муҳандис, [REDACTED] яшовчи, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган [REDACTED] га

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан 45-моддаси қўлланиб, 2 йил давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддаси 3-қисми билан 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 59-моддаси тартибида 2 йил давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

судланган Х.ХХХдан М.Кулдошевга 253.890.000 сўм, Ф.Каримовга 181.350.000 сўм, И.Дўсматовга 36.270.000 сўм, А.Каримовга 60.450.000 сўм, У.Мамажоновга 60.450.000 сўм, Ш.Лочиновга 423.150.000 сўм ва 3.Маъмуровга 12.090.000 сўм моддий зарар ундирилиши;

судланган Х.ХХХдан давлат фойдасига 16.998.557 сўм зарар ундирилиши белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Х.ХХХ қисми ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан тугатилган шахс билан жиноий тил бириктириб, 2021 йилда фуқаро М.Кулдошевнинг ишончига кириб, отаси К.Матҳолиқовга тегишли “Саҳоватли Қодирали обод боғи” фермер хўжалиги балансидаги суғориладиган экин ер майдонига уй-жой қуриш мумкин эканлигини, барча ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаб беришини айтиб, алдаб, экин ерининг 2.010 м² ер майдонини жами 21.000 АҚШ долларида сотиб юбориб, 220.488.240 сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

бундан ташқари, Х.ХХХ М.Кулдашев томонидан сотиб олинган ер майдони ва қурилган бино-иншоотларни гўёки унинг турмуш ўртоғи Г.Кулдашевага бириктириш ҳақидаги Тошлоқ тумани ҳокимининг 30.05.2019 йилдаги 236-сонли қарорини қалбакилаштириб, қарорнинг қалбаки эканлигини била туриб, М.Кулдашева билан бирга давлат рўйхатидан ўтказиш мақсадида Тошлоқ тумани Давлат хизматлари марказига топширганликда;



бундан ташқари, Х.ХХХ “Оқ олтин” ММТП худудидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 1188қ-контурида жойлашган 49.9 балл бонитетли суғориладиган ернинг бир қисмини ўзга шахсга беришга ҳеч қандай ҳуқуқий асосга ва ваколатга эга бўлмасдан туриб, жабрланувчи Ф.Каримовнинг ишончига кириб, 2022 йил ноябрда уй-жой қуриш мумкин эканлигини, барча ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаб беришини айтиб, алдаб, Тошлоқ тумани ҳокимининг 24.03.2018 йилдаги 1941-сонли “Тошлоқ тумани Терактаги МФЙда яшовчи Дўсматов Икромжон Мадаминовичнинг ер участкасига ҳамда бино-иншоотларига бўлган мулкӣ ҳуқуқларни тиклаш” ҳақидаги қалбаки қарорни тақдим қилиб, экин ерининг 1.022 м² қисмини жами 15.000 АҚШ долларига сотиб юбориб, 167.850.900 сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

бундан ташқари, Х.ХХХ қисми ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан тугатилган шахс билан жиноий тил бириктириб, 2023 йил апрель-май ойида фермер хўжалигига тегишли қишлоқ хўжалиги харитасининг 1188қ-контурида жойлашган, 49.9 балл бонитетли суғориладиган ернинг 430 м² қисмини қонунга хилоф равишда жабрланувчи И.Дўсматовга бериб юбориб, ушбу ерларга уй-жой қуриш учун ҳужжатларни тайёрлаб беришини айтиб, унинг ишончига кириб, Тошлоқ тумани ҳокимининг 24.03.2018 йилдаги 1941-сонли “Тошлоқ тумани Терактаги МФЙда яшовчи фуқаро Дўсматов Икромжон Мадаминовичнинг ер участкасига ҳамда бино-иншоотларига бўлган мулкӣ ҳуқуқларни тиклаш” ҳақидаги қалбаки қарорни тақдим этиб, алдаб, 3.000 АҚШ доллари (34.299.630 сўм)га сотиб юбориб, И.Дўсматов томонидан 224.7 м² суғориладиган ер майдонига қурилиш ишларини амалга оширилишига шароит яратиб берганликда;

бундан ташқари, Х.ХХХ 2024 йил апрель-июль ойида Г.Қўлдашевага уй-жой қуриш учун ажратилганлиги ҳақидаги Тошлоқ тумани ҳокимининг 30.05.2019 йилдаги 236-сонли қарорини қалбакилаштириб, қарорнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиб, ушбу қарорни Содиков Жамолиддин Джурабаевичга кўрсатиш орқали унинг ишончига кириб, алдаб, ўзганинг мулкӣ қонунга хилоф равишда ўз фойдасига олиш учун фермер хўжалигига узоқ муддатли ижара асосида тегишли бўлган 2,10 гектар суғориладиган экин ер майдони ҳар бир сотихини 2.500 АҚШ долларига баҳолаб, Ж.Содиков орқали 197 м² қисмини А.Каримовга 5.000 АҚШ доллари ва 230 м² қисмини жабрланувчи У.Мамажоновга 5.000 АҚШ долларига сотиб, жами 120.865.500 сўм пулларни қўлга киритганликда;

бундан ташқари, Х.ХХХ қисми ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан тугатилган шахс билан жиноий тил бириктириб, отаси К.Матҳоликовга тегишли фермер хўжалиги балансидаги “Оқ олтин” ММТП худудидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 778қ-контурида жойлашган 49,9 балл бонитетли, суғориладиган ер участкасини 1.973 м² қисмини ўзбошимчалик билан эгаллаб, 289,1 м² қисмида қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ноқонуний равишда



уй-жойларни куриш ва сотиб олган фуқароларга ернинг 1.242,1 м² майдонига бино-иншоотлар курган ҳолда эгаллаб олинишига шароит яратиб бериб, давлат манфаатларига 114.108.557 сўм зарар етказганликда;

бундан ташқари, Х.ХХХ Х.ХХХХХ ва Х.ХХХХлар билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖга тегишли 1.828,42 м² ер участкаси Тошлоқ тумани ҳокимининг 17.02.2010 йил кунги 104-сонли қарори асосида МЧЖнинг 1-тизимига қарашли 7-қудуқ фойдаланишига ҳамда ушбу қарорга асосан 7-қудуққа тегишли бўлган 1.828,42 м² ер майдонига нисбатан 2018 йилда кадастр ҳужжати шакллантирилиб, 08.08.2018 йилда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса-да, Х.ХХХ ва Х.ХХХХХлар томонидан “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ фойдаланувида бўлган 0,10 гектар ер майдонини ўзларига тегишли эмаслигини олдиндан билганлари ҳолда, 2024 йил сентябрда собиқ Тошлоқ тумани Ер ресурслари ва давлат кадастрлар бўлими бошлиғи Х.ХХХХ Х.ХХХХХ номига муайян ҳуқуқ берадиган кўчмас мулк объектига кадастр йиғма жилдини тайёрлаб, филиал раҳбари А.Султонов ва бош муҳандис Д.Мўминовларни номидан ўзи имзо қўйиб, кадастр йиғма жилдини қалбакилаштиришга эришиб, ушбу қалбаки кадастр йиғма жилдини тергов ҳаракатлари давомида аниқлашни имкони бўлмаган усуллар орқали, Давлат кадастрлар палатаси Тошлоқ туман филиали архивига топширишга эришишганликда;

бундан ташқари, Х.ХХХ ва Х.ХХХХХлар 2024 йил 9 сентябрь куни кадастр ҳужжатини қайта расмийлаштириш учун 23.11.2023 йилдаги Тошлоқ тумани ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги 411-сонли қарори билан Х.ХХХХХга Терактаги маҳалласидан 0,10 гектар ер майдони томорқа сифатида фойдаланиш учун ажратиб берилганлиги ҳақидаги 2359-сон билан қайд этилган архив кўчирмасини “my.gov.uz” сайти орқали давлат кадастрлар палатасининг Тошлоқ тумани филиалига тақдим қилишганликда;

Давлат кадастрлар палатаси Тошлоқ тумани филиали муҳандиси О.Бозоров Х.ХХХ ва Х.ХХХХХлар билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 22.06.2021 йилдаги 389-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғма жилдини тайёрлаш тартиби тўғрисида Низом”нинг 14-банди талабларига зид равишда “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖнинг 1-тизимига қарашли 7-қудуқ фойдаланувида бўлган 0,10 гектар ер майдони Х.ХХХХХ номига қалбаки 10.09.2024 йилда ер участкасининг кадастр паспорти шакллантириб, қалбаки кадастр паспортига асосан фуқаронинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари 12.09.2024 йилда давлат рўйхатидан ўтказишга эришганликда;

Бундан ташқари, Х.ХХХ “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖнинг 1-тизимига қарашли 7-қудуқ фойдаланувида бўлган 0,10 гектар ер майдони кадастр ҳужжатларини қалбакилаштириш йўли орқали ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, кадастр ҳужжатини қалбаки эканлигини билгани ҳолда фойдаланиб, ушбу қалбаки кадастр ҳужжатини Ш.Лочинов ва З.Маъмуровларга кўрсатиш орқали уларнинг ишончига кириб, “Фарғона



нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖнинг 1-тизимига қарашли 7-кудук фойдаланувида бўлган 0,10 гектар ер майдони ўзига тегишли эканлигини, ҳеч қандай муаммоси йўқлигини айтиб, алдаб, Ш.Лочиновга нотариал тасдиқланган 27.09.2024 йилдаги 202401406004811-сонли олди-сотди шартномасига асосан 35.000 АҚШ доллари (442.407.350 сўм)га сотиб, сотувдан тушган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганликда;

бундан ташқари, Х.ХХХ 2025 йил 27 апрель куни соат 14:30да яшаш хонадонига аввалги пул олди-берди масаласини ҳал қилиш учун келган З.Маъмуров билан ўзаро жанжаллашиб, жанжал давомида З.Маъмуровни танасининг турли жойларига қўллари билан уриб, оёқлари билан тепиб, қасддан ҳаёт учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати етказганликда;

шунингдек, Х.ХХХ яшаш хонадонига ўзи ва жинойи шериклари билан бирга қалбакилаштириш йўли билан тайёрланган 2 та фуқаро Қўлдошев Мўсинжон Тўланбоевич номидаги 15:11:04:04:02:0754 рақамли 05745-сонли, 2 та фуқаро Матхолиқов Халимжон Қобилович номидаги 04511-сонли, 2 та фуқаро Қўлдошев Аслжон Қодирович номидаги 15:11:02:04:02:0168 рақамли, 2 та фуқаро Маматхолиқов Давлатжон Одилжонович номидаги 15:11:04:04:02:0752 рақамли 05744-сонли, 1 та фуқаро Юлдашев Оббосжон Акмалжон ўғли номидаги 15:11:02:04: 02:0751 рақамли кадастр йиғма жилдларини келгусида фойдаланиш мақсадида, қалбаки эканлигини била туриб сақлаб келганликда айбдор деб топилганлар.

Судланган Х.ХХХ апелляция шикоятда, айрим жиноят эпизодлари бўйича айбсизлиги, суд мажлисида жабрланувчилар уни танимаганликлари, тўрт нафар жабрланувчининг даъвоси бўлмагани ҳақида важлар келтириб, моддий зарар қисман қоплаганини, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини инobatга олиб, адолатли қарор қабул қилишни;

судланган Х.ХХХХ ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятда, Тошлоқ тумани, Терактаги МФЙ, Токзор кўчаси, 226-уйга нисбатан кадастр ҳужжатини 2018 йил 8 август куни тайёрлагани, 2019 йилда О.Матхолиқовга нисбатан куруқ ер участкасига нисбатан кадастр паспортини тайёрлагани, ушбу ҳужжат асосида фуқарога ҳеч қандай мулкка бўлган ҳуқуқини бермаслиги, солиққа тортиш учун керак бўлиши, ҳаракатларида ЖК 228-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноят аломати йўқлиги ҳақида важлар келтириб, мазкур модда бўйича оқлов ҳукми чиқариб, у айбланган ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди бўйича ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми 2-бандига асосан тугатишни сўраганлар.

Жабрланувчи Ш.Лочинов апелляция шикоятда, судланганларга енгил жазо тайинлангани, барча айбдор шахслар жавобгарликка тортилмагани ҳақида важлар келитриб, айбдор шахсларга нисбатан оғирроқ жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Р.Зариповнинг маърузасини, прокурор Ғ.Рўзиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, жабрланувчи Ш.Лочинов ва унинг вакили – адвокат Х.Нуритдинов, судланган Х.ХХХ ва унинг ҳимоячиси Ф.Валиева, судланган Х.ХХХХ ва



унинг ҳимоячиси И.Мадаминовнинг ўз шикоятларини тўлиқ қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмининг Х.ХХХ, Х.ХХХХХ ва О.Бозоровларга оид қисмини ўзгаришсиз, Х.ХХХХга оид қисмини ўзгартиришни, жабрланувчи Ш.Лочинов ва судланган Х.ХХХнинг апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдириб, судланган Х.ХХХХнинг ҳимоячиси билан биргаликдаги шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган Х.ХХХ, Х.ХХХХХ, О.Бозоров ва Х.ХХХХнинг эълон қилинган айбловга нисбатан муносабатлари ёритилиб, ўзларини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ҳамда судда текширилган далиллар – судланувчиларни ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек уларнинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисобланиб, уларнинг юқорида қайд этилган жиноятларни содир этганлиги суддаги жиноий ҳаракатларини фош қилувчи кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи И.Дўсматов, А.Каримов, У.Мамажонов, Ф.Каримов, Ш.Лочинов ва З.Маъмуров, фуқаровий даъвогар О.Рахимов, А.Хидоятлов ва Ф.Мухаммаджонов, гувоҳ М.Ҳақимов, А.Холматов, И.Мамажонов, К.Матҳолиқов, Ў.Раҳимова ва А.Қобиловнинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, фото иловалар, олдсотди шартномаси, кадастр йиғмажилдлари ҳужжатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келиниб,

Х.ХХХнинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми, 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари, 228-моддаси 3-қисми, 229¹-моддаси 2-қисми ва 229^б-моддаси 2-қисми “а,б,в,г” бандлари билан;

судланган Х.ХХХХ, Х.ХХХХХ ва О.Бозоровнинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Апелляция инстанцияси суди, судланган Х.ХХХнинг апелляция шикоятидаги, айрим жиноят эпизодлари бўйича айбсизлиги, суд мажлисида жабрланувчилар уни танимаганликлари, тўрт нафар жабрланувчининг даъвоси бўлмагани ҳақидаги;

судланган Х.ХХХХнинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятидаги, Тошлоқ тумани, Терактаги МФЙ, Токзор кўчаси, 226-уйга нисбатан кадастр ҳужжати 2018 йил 8 август куни тайёрлагани, 2019 йилда О.Матҳолиқовга нисбатан қуруқ ер участкасига нисбатан кадастр паспортини тайёрлагани, ҳаракатларида ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноят аломати йўқлиги сабабли оқлов ҳукми чиқариб, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди бўйича ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми 2-бандига асосан ишни тугатиш лозимлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, мазкур важлар судланган Х.ХХХХХнинг биринчи ва апелляция инстанцияси судидаги, 2023 йил ноябрда жияни Матҳолиқов Халимжон келиб,



фуқаролик паспортини сўраб олгани, сўнг 2024 йил августда яна олдига келиб, 2023 йилда олган паспорт ёрдамида Тошлоқ тумани ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги 411-сонли қарордан архив кўчирмасини олгани ва ушбу қарорда унга Терактаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 0,10 гектар ер майдони ажратиб берилганлигини айтгани, жияни Х.ХХХ маҳалла ҳудудидаги Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 1-тизимига қарашли 7-қудуққа тегишли бўлган 0,10 гектар ер майдони борлигини, ушбу ерни унга тегишли бўлган Тошлоқ тумани ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги 411-сонли қарори асосида ҳужжатлар тайёрлаб олишини айтгани, сўнг 26.04.2024 йил куни Х.ХХХ ер майдонига нисбатан кадастр ҳужжатлари тайёр бўлгани, ушбу ер майдонини бошқа шахсга сотиб юборганлиги сабабли олди-сотди шартномасига асосан ўтказиб бериш лозимлигини айтгани, 27.09.2024 йилда нотариал идорага бориб, ер майдонини бошқа фуқарога ўтказиш ҳақидаги олди-сотди шартномасига имзо қўйиб бергани, лекин ҳеч қандай моддий манфаатдор бўлмагани, барча ишларни жияни Х.ХХХ қилгани, Тошлоқ тумани ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги 411-сонли қарори билан менга турар жой мақсадларда фойдаланиш учун ер майдони ажратиб берилгани, ҳозирда туман ҳокими қарори асосида кўрсатилган ер майдонидан оила аъзолари томонидан турар-жой сифатида фойдаланиб келиши, ҳозирда фойдаланиб келинаётган турар-жойига нисбатан кадастр ҳужжатлари тайёрланмагани, лекин манзили Тошлоқ тумани, Терактаги маҳалласи токзор кўчаси, рақамсиз уй бўлиб юритилиши, Тошлоқ тумани Терактаги маҳалласи Токзор кўчаси, 226-уй манзили бўйича кадастр ҳужжати ким расмийлаштирганини билмаслиги, ўша ердан 20-25 йилдан буён фойдаланиб келиши, Х.ХХХ ушбу ерга ҳужжат қилаётганида ҳужжатларга аралашмагани, қандай ҳужжатлар қилганлигини кўрмагани, охирида имзолаб бергани, ушбу ер майдони ФНҚИЗга тегишли эканлигини билмагани, Х.ХХХга бир неча маротаба ҳужжатларнинг қонунийлиги ҳақида сўраганида у қонуний эканлигини тушунтиргани, сўнг 2024 йил август ойида Х.ХХХга ишонмай, имзо қўймаглигини айтганида у Х.ХХХХга телефон орқали боғлаб бергани, шунда Х.ХХХХ ҳам унга ҳужжатлар қонуний эканлиги, ўзи кадастрда ишлаб келиши, ушбу ҳужжатларни яхши тушунишини, кўрқмасдан имзолаб бериши мумкинлигини айтиб, ишонтиргани, шу сабабли ҳужжатларни имзолаб бергани ҳақидаги;

судланган Х.ХХХХнинг биринчи ва апелляция инстанцияси судларида, 2011 йилда Тошлоқ туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимига мутахассис лавозимига ишга қабул қилингани, 2017 йилдан 2019 йил июнь ойига қадар Тошлоқ туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи лавозимида ишлагани, 2019 йил июнда вилоят кадастр бошқармасига ер назорати бўлимига ишга қабул қилингани, 2020 йил охирида Тошлоқ туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи лавозими тугатилиб, давлат кадастрлар палатаси бўлгани, у ерда 2020 йил июнь ойига қадар ишлаб, у ердан қишлоқ хўжалиги бошқармасига қишлоқ хўжалиги экинларни мониторинг қилиш бўлимига ўтгани, сўнг 2025 йил 20 июнь куни ишдан бўшагани, Тошлоқ туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб юрган вақтида Тошлоқ тумани, Терактаги



маҳалласи Токзор кўчаси, 226-уй манзилидаги ер участкаси йиғма жилдига имзо қўйгани, кадастр йиғма жилдидаги филиал раҳбари А.Султонов ва бош муҳандис Д.Мўминовлар имзо қўйиши керак бўлган жойга ўзи имзо қўйгани, имзо қўйиб тасдиқлаб берган кадастр йиғма жилдидаги ер участкаси “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖга 1.828,42 м² ер участкаси Тошлоқ тумани ҳокимининг 17.02.2010 йил кунги №104-сонли қарори асосида МЧЖнинг 1-тизимига қарашли 7-қудуқ фойдаланишига ҳамда ушбу қарорга асосан 7-қудуққа тегишли бўлган 1.828,42 м² ер майдонига нисбатан 2018 йилда кадастр ҳужжати шакллантирилиб, 08.08.2018 йилда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилгани кейинчалик билгани, орадан анча вақт ўтганлиги сабабли ушбу кадастр йиғма жилдини имзо қўйдиришга ким олиб кирганлигини билмаслиги ҳақидаги;

судланган О.Бозоровнинг суддаги, О.Матхоликовнинг 09.09.2024 йилдаги Тошлоқ тумани Терактаги МФЙ, Токзор кўчаси, 226-уйда жойлашган 1000 м² ер майдонига нисбатан кадастр паспортини шакллантириб бериш ҳақидаги аризасини ўрганиб чиқиб, палатанинг туман филиали Б.Бегматов номидан 10.09.2024 йилда ер майдонига нисбатан кадастр паспортларини шакллантириб бергани, мазкур кадастр ҳужжатларини тайёрланишига асос сифатида Тошлоқ туман ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги 411-сонли қарори билан О.Матхоликовга Терактаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 0,10 га ер майдони ажратиб берилганлиги кўрсатилган асос қилиб олингани, О.Матхоликовнинг аризасида кўрсатилган Тошлоқ тумани, Терактаги МФЙ, Токзор кўчаси, 226-уйда жойлашган 1000 м² ер майдонларига нисбатан 2019 йилда кадастр мутахассиси М.Мухторов томонидан тайёрланган кадастр ҳужжатларидаги маълумотлардан фойдаланилган, кадастр паспорти шакллантирилган даврда Вазирлар Маҳкамасининг 22.06.2021 йилдаги “Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 389-сонли қарор бўйича ер участкасининг кадастр йиғма жилди тайёрлангани, қилмишининг чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳақидаги;

жабрланувчи И.Дўсмаатовнинг суддаги, 2023 йилда Х.ХХХ Ином кўчасидаги ер майдонидан 4 сотихини 3.000 АҚШ долларига сотишини айтгани, Тошлоқ тумани ҳокимининг қарорини кўрсатгани, рози бўлиб, 2023 йил баҳор ойи 1.500 АҚШ доллари, орадан 1-2 ойлар ўтиб, яна 1.500 АҚШ доллари пул бергани, сўнг ўзи мазкур ер майдонида уй-жой қуришни бошлагани, ҳозирда ушбу 4 сотих ер майдонида жами бўлиб 5 хонали ҳовли уй-жой қуриб битказиб, кўчиб чиққани, уй-жой қурилиш қилган ер майдони суғориладиган экин майдони эканлигидан хабари бўлмагани, Х.ХХХ ернинг ҳамма ҳужжатлар жойида эканини айтгани ҳақидаги;

жабрланувчи А.Каримовнинг суддаги, 2024 йил баҳорда Тошлоқ тумани Қақир массиви ҳудудида қурилишда ишлаб юрганида шу ерда яшайдиган Х.ХХХ уй-жой қуриш учун ер сотаётганини, сотихини 2.500 АҚШ долларидан эканини айтгани ва Тошлоқ тумани, Қақир массивидаги беда экилган ер майдонига бошлаб бориб, турар-жойга қарори чиққани, уй-жой қуришга барча ҳужжатлари мавжудлигини тушунтиргани, шу ерга тегишли



бўлган кадастр ҳужжатини кўрсатгани, кадастр ҳужжатида Тошлоқ туман ҳокимининг 2019 йилдаги қарорига асосан ушбу ер майдони турар-жойга ўтказилганлиги кўрсатилган бўлгани, Х.ХХХ 4 сотих ер майдонини қаердан олишини кўрсатгани ва чегарасини белгилаб олгани, сўнг Х.ХХХга жами 10.000 АҚШ доллари бергани, 2 сотихини Ж.Содиқовдан 5.000 АҚШ долларига олгани, қолган 2 сотихини маҳалладоши У.Мамажонов олгани, Х.ХХХ сотган Тошлоқ тумани Қақир массивида жойлашган ер майдони суғориладиган экин ер майдони эканлигидан хабари бўлмагани ҳақидаги;

жабрланувчи Ф.Каримовнинг суддаги, Тошлоқ тумани Терактаги МФЙда ерларни кўриб юрганида нотаниш бўлган бир шахс билан ер масаласида гаплашиб қолгани, ушбу шахс ўзини Мўсин деб таништириб, айнан шу жойда бўш ерлар борлигини, ўзи ҳам ушбу ерлардан бўш ер сотиб олиб, уй-жой кураётганлигини маълум қилгани, кейин унга ушбу ерлар ёнидаги фермер хўжалиги раҳбари Х.ХХХга тегишли эканлигини маълум қилиб, ушбу шахс билан кўриштириб қўйгани, Х.ХХХ ерлар ўзига тегишлилигини, турар жойи сифатида ҳокимият томонидан ажратилгани, барча уй-жойларни куриб битказилганидан сўнг ҳуқуқий ҳужжатларини ўзи тайёрлаб беришини, ўзи ер масаласида масъул ташкилот бўлган “Ўздаверлойиха”да лавозимда ишлашини, ҳужжат масаласида ҳеч қандай муаммоси йўқлигини маълум қилгани, ҳар бир сотихига 1.500 АҚШ долларида бериши лозимлигини, қандай бино ёки иншоот куришидан қатъий назар ҳужжатларини ўзи тўғирлаб беришини айтиб, унга туман ҳокимини қарорини тақдим қилганлиги, уни гапларига ишонгани, 2022 йил ноябрда 5.000 АҚШ доллари, орадан 15-20 кун ўтиб 6.000 АҚШ доллари ва қолган 4.000 АҚШ долларини бўлиб бергани, шу билан ер ҳисобда уни номига ўтгани, бироқ қўшнилар билан келишолмагани сабабли ерни сотишга қарор қилгани, А.Норматов ва ўртоғи М.Ориповларга Х.ХХХдан сотиб олган 15.000 АҚШ доллари эвазига сотишини, Х.ХХХ қачонки ерга бино ва иншоот куриб битказса, шунда кадастр ҳужжатларини қилиб беришини айтиб, туман ҳокимининг қарорини берганлигини айтгани, кейин улар Х.ХХХ билан гаплашиб олишни сўрашгани, орадан 1-2 вақт ўтиб Х.ХХХ ва ерга бўлган миқдорларни Киргули МФЙда қабриситон олдида кўриштиргани, барча ҳужжат масаласида ўзаро гаплашиб олишни айтгани, Х.ХХХ такроран А.Норматов ва М.Ориповларга, унга маълум қилган гаплари, яъни бино-иншоот куриб олиши билан қарор ва кадастр ҳужжатларини қилиб беришини, унга берган қарорларни уларга ҳам бериб, қолган барча ерлар қариндош уруғларига тегишли эканлигини маълум қилгани, шу билан маълум вақт ўтиб, М.Орипов ва А.Норматовлар 15.000 АҚШ доллари пул беришгани, лекин улар ерга уй-жой куришса ҳам Х.ХХХ ҳеч қандай ҳужжат қилиб бермагани, Х.ХХХ мазкур ер майдони суғориладиган экин ери эканини маълум қилмагани, аксинча ушбу ернинг орқасидаги боғ ўзига тегишлилигини, ушбу ерларни бошида ҳам ўзи уй-жой кураётганлигини маълум қилгани учун унинг гапларига ишониб қолгани, бино куриши билан, битган бино-иншоотларга кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб беришини маълум қилиб, қўлига ҳокимнинг қарорини бериб ишончига киргани, унинг



барча гапларига ишониб қолгани, етказилган 36.000 АҚШ доллар зарарни ундириб беришини сўраши ҳақидаги;

жабрланувчи Ш.Лочиновнинг биринчи ва апелляция инстанция судларидаги, З.Маъмуров билан бирга тадбиркорлик қилиши, Маткаримов Дилшод исмли таниши бир дона “Ласетти” русумли 40 546 давлат рақам белгили автомашинани 2024 йил июнь ойида пулини август ойига бериш шарти билан 15.000 АҚШ долларга сотиб олгани, кейин пул бериш муддати келганида, Тошлоқ тумани Қақир маҳалласида таниши Х.ХХХнинг чеки борлигини, қарзи эвазига беришини, ўртадаги ошиқча пулни қарзидан чиқариб беришини айтгани, жойни кўриб, ҳужжатларни сўрашганида ҳужжатларни тақдим қилгани, Матхалилов Обиджон Қодирович номида эканлигини билгани, 10 сотих ер майдонини 35.000 АҚШ долларга сотиб олишга келишгани, кейин ушбу жой Х.ХХХга тегишли эканлиги билгани, Х.ХХХ Х.ХХХХХнинг акасини ўғли бўлишини, ушбу жой Х.ХХХХХни номида бўлса-да, лекин Х.ХХХга тегишли эканлигини билишгани, сўнг ушбу 10 сотих ер майдонини номига нотариал тартибда ўтказиб бергани, сўнг Х.ХХХга келишувдаги 20.000 АҚШ доллари пулларни бергани, қолган 15.000 АҚШ доллар пулни Х.ХХХ қарзи бўйича ўзаро келишиб олишадиган бўлишгани ҳақидаги;

жабрланувчи З.Маъмуровнинг биринчи ва апелляция инстанция судларидаги, жабрланувчи Ш.Лочинов билан бирга тадбиркорлик қилишини, Ш.Лочинов айтган жой учун Х.Матҳолиқовга жами 36.000 АҚШ доллари бергани, уларни номига ўтказиб бергани, терговда ерни завод балансида эканлигини билгани, ушбу ерни номига ўтказиш учун Х.ХХХХ орқали Х.ХХХга 1.000 АҚШ доллари бергани, бироқ ерни номига расмийлаштириб бермагани, ҳозирда Х.ХХХХга берган 1.000 АҚШ долларини қайтариб олгани, бундан ташқари, ушбу ер масаласида 2025 йил 27 апрель куни Х.ХХХни уйига борганида у уйда бўла туриб, ташқарига чиқмагани учун унинг ҳовлисига кириб боргани, шунда Х.ХХХ уй ичидан чиқиб, кўли билан танасининг тўғри келган жойига қўл ва оёқлари билан уриб, ерга ётқизиб оёқлари билан тепиб ташлагани, натижада оғир тан жароҳати олиб, шифохонада даволаниб чиққани, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраши ҳақидаги;

фуқаровий даъвогар вакили О.Рахимовнинг биринчи ва апелляция инстанция судларидаги, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖда юридик хизмати раҳбари лавозимида ишлаб келиши, Тошлоқ туман ҳокимининг 17.02.2010 йилдаги 104-сонли қарори билан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи фойдаланиб келаётган туман ҳудудидаги жами 63.285,65 м²да жойлашган бино-иншоотларга эгаллик ҳуқуқини тиклаш ва ушбу биноларни эгаллаб турган ер майдонларини доимий фойдаланиш учун бириктириб берилгани, мазкур қарорга асосан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 1-тизимига қарашли 7-қудуқ фойдаланишида бўлган бинолар ва бинолар эгаллаган ер майдонлари 1.828,42 кв м этиб кўрсатилгани, кейинчалик Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 1-тизимига қарашли 7-қудуқ фойдаланишида бўлган ер майдонига фуқаро О.Матҳолиқовга нисбатан



давлат кадастрлари палатаси Тошлоқ тумани филиали томонидан 10.09.2024 йилда кадастр паспорти шакллантирилганлиги, кадастр хужжатларини тайёрланишига асос сифатида Тошлоқ туман ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги №411-сонли қарори билан О.Матҳолиқовга Терактаги маҳалла ҳудудидан 0,10 га ер майдони ажратиб берилганлиги кўрсатилгани, шунга асосан О.Матҳолиқов номига тайёрланган кадастр паспортида кўрсатилган ер майдонларига бўлган ҳуқуқлар 10.09.2024 йилда давлат рўйхатидан ўтказилгани, О.Матҳолиқовнинг 10.09.2024 йилда давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдонларини хусусийлаштириш мақсадида 16.09.2024 йилдаги аризасига асосан Давлат активларини бошқариш вилоят бошқармасининг 2024-12/966-сонли ер участкасига мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери расмийлаштирилгани ва 23.09.2024 йил 1730227/Р-45240971-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилгани, О.Матҳолиқов ўзига тегишли бўлган 0,10 га ер майдонини хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 27.09.2024 йилдаги 202401 406004811-сон билан қайд қилинган олди-сотди шартномасига асосан фуқаро Ш.Лочиновга сотилгани ва фуқаронинг ер майдонига бўлган ҳуқуқлари 1730227/Р-45254570-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилгани, Ш.Лочинов ўзига тегишли бўлган 0,10 га ер майдоннинг қисми, яъни 250 кв метр қисми 04.02.2025 йилдаги 202501406000566-сон билан қайд қилинган кучмас мулкни олди-сотди шартномасига асосан Ҳақимова Моҳидил Махамаджановнага ва ушбу шартнома билан ўзига тегишли бўлган ер майдоннинг Хидоятлов Исмоил Джалаловичга сотгани ва фуқаролар ер майдонига бўлган ҳуқуқлари 1730227/Р-А5645201-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилиб, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 1-тизимига қарашли 7-кудук фойдаланишида бўлган ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олгани натижасида завод ерлари ноқонуний тартибда фуқароларга ўтиб кетгани ҳақидаги;

фуқаровий давогар А.Хидоятловнинг суддаги, З.Маъмуровдан Ш.Лочинов номида бўлган 0,10 га ер майдоннинг қисми яъни 250 кв метр қисмини 04.02.2025 йилдаги 202501406000566-сон билан қайд қилинган кучмас мулкни олди-сотди шартномасига асосан ўртоғи Ф.Маъмуровни онаси Ҳақимова Моҳидил Махамаджановна ва дадаси И.Хидоятлов номларига 8.500 АҚШ доллардан сотиб олгани, ҳозирда Ш.Лочиновнинг ўзида 0,05 га ер майдонлари қолгани, сўнг ушбу жойга уй қургани, ўртоғи эса уйни битказиб ҳозирда оила аъзолари билан бирга яшаб келишини, уй қуришга 30.000 АҚШ доллар сарф қилгани, ушбу жойга у қуришдан олдин Кадастрлар палатасига уй хужжатларини олиб келиб кўрсатгани, у ердаги бир ходим хужжатларини кўриб, хужжатлар тўғри ва қонуний бўлганлигини айтганидан кейин уй қуришни бошлагани, кейинчалик мазкур ер майдонлари Тошлоқ туман ҳокимининг 17.02.2010 йилдаги 104-сонли қарори билан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи фойдаланиб келаётган туман ҳудудидаги жами 63.285,65 кв метрда жойлашган бино-иншоотларга эгалик ҳуқуқини тиклаш ва ушбу биноларни эгаллаб турган ер майдонларини доимий фойдаланиш учун бириктириб берилганини билгани ҳақидаги;



фукаровий давогар Ф.Мухаммаджоновнинг суддаги, З.Маъмуровдан Ш.Лочинов номида бўлган 0,10 га ер майдоннинг 250 кв метр қисмини 04.02.2025 йилдаги 202501406000566-сон билан қайд қилинган кучмас мулкни олди-сотди шартномасига асосан онаси Хакимова Мохидил Махаммаджановна номига 8500 АҚШ долларга сотиб олгани, шу билан бирга 250 кв метр қисмини ўртоғи А.Хидоятлов 8500 АҚШ долларга сотиб олгани, ҳозирда фукаро Ш.Лочиновнинг ўзида 0,05 га ер майдонлари қолгани, ушбу жойга уй қуриб, ҳозирда оила аъзолари билан бирга яшаб келаётгани, ушбу жойга уй қуришга 75.000 АҚШ доллар сарф қилгани, ушбу жойга қурилиш қилишдан олдин Кадастрлар палатасига уй ҳужжатларини олиб келиб кўрсатгани, у ердаги бир ходим ҳужжатларини кўриб, ҳужжатлар тўғри ва қонуний бўлганлигини айтганидан кейин уй қуришни бошлагани, кейинчалик у ва ўроғи қурилиш қилган ер майдонлари Тошлоқ туман ҳокимининг 17.02.2010 йилдаги 104-сонли қарори билан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи фойдаланиб келаётган ер эканини билгани ҳақидаги;

гувоҳ М.Хакимовнинг суддаги, Кадастрлар палатаси Фарғона вилояти бошқармасида рўйхатга олувчи лавозимида ишлаб келиши, давлат хизматлари маркази орқали келиб тушган 147167934-сонли буюртма аризасига асосан Матҳалиқов Обиджон Қодировичга тегишли бўлган Тошлоқ тумани Терактаги МФЙ, Токзор кўчаси, 226-уй бўйича тақдим қилинган Тошлоқ тумани ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги 411-сонли қарори асос сифатида тақдим қилингани, сўнг ушбу мурожаатини ўрганиб чиққанида ушбу жойга 10.09.2024 йилда расмийлаштирилган кадастр паспорти мавжудлиги, ушбу кадастр ҳужжати Тошлоқ тумани ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги 411-сонли қарори асоси сифатида тайёрланганлиги, ушбу аризани қайтариб юборишга ҳеч қандай асос бўлмаганлиги сабабли тўлов жараёнига чиқаргани, тўловлари амалга оширилгандан кейин 12.09.2024 йилда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказгани, кейинчалик “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖга 1828.42 кв метр ер участкаси Тошлоқ тумани ҳокимининг 17.02.2010 йил кунги 104-сонли қарори асосида МЧЖнинг 1-тизимига қарашли 7-қудуқ фойдаланишига ҳамда ушбу қарорга асосан 7-қудуққа тегишли бўлган 1828,42 кв метр ер майдонига нисбатан 2018 йилда кадастр ҳужжати шакллантирилиб, 08.08.2018 йилда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилгани, ушбу ФНКИЗга тегишли бўлган ер майдонга Х.ХХХХХ номига кадастр ҳужжати қилинганини билгани, кейин 2019 йилда Тошлоқ тумани Терактаги маҳалласи Токзор кўчаси 226-уйга Х.ХХХХХ номига тайёрланган кадастр ҳужжати билан танишиб чиққанида, у ерда кадастр ҳужжатини тайёрлашга бирор бир ҳужжат асос қилиниб олинмагани, 2019 йилда Тошлоқ тумани Терактаги маҳалласи Токзор кўчаси 226-уйга Х.ХХХХХ номига тайёрланган кўчмас мулк объектига бўлган кадастр ҳужжати бўйича фукарога эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланиши ҳақидаги;

гувоҳ А.Холматовнинг суддаги, Фарғона вилоят прокуратурасининг талабномасига асосан кадастр агентлиги Тошлоқ тумани филиали мутахассиси А.Холматов ва шаҳар бўлими мутахассиси Ф.Турсуновлар



Тошлоқ туман ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги 411-сонли қарори билан фуқароларга ер майдони ажратилиши билан боғлиқ ҳолатларини ўрганишгани, фуқаро Матхалиқов Обиджон Кодировичнинг аризасига асосан Тошлоқ туман Терактаги маҳалла, Токзор кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган 0,10 га ер майдонига нисбатан кадастр паспортини шакллантиришни сўраб йўллаган аризасига асосан кадастр палатаси туман филиали томонидан 2019 йилда кадастр паспорти шакллантирилган Давлат кадастрлари палатаси Тошлоқ туман филиали архивининг 16.04.2025 йилдаги 02-07-127-сонли маълумотномасида Тошлоқ тумани, Терактаги МФЙ, Токзор кўчаси, 256-уйда жойлашган фуқаро Матхолиқов Обиджонга тегишли бўлган ховли-жойга нисбатан тайёрланган кадастр ҳужжатлари 2019, 2020, 2021, 2022, 2023 йиллар давомида ҳовли жойларни рўйхатга олиш китобида рўйхатга олинмагани ва кадастр ҳужжатлари архив сақловида мавжуд эмаслиги билдирилгани, фуқаро О.Матхолиқовнинг 09.09.2024 йилдаги давлат хизматлари маркази орқали ер майдонига нисбатан кадастр паспортини шакллантириш бўйича йўллаган аризаси давлат кадастрлари палатаси Тошлоқ тумани филиали мутахассиси Б.Бегматов томонидан кўриб чиқилиб, 10.09.2024 йилда ер майдонига нисбатан О.Матхолиқов номига кадастр паспорти шакллантириб бергани, кадастр ҳужжатларини тайёрланишига асос сифатида Тошлоқ туман ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги 411-сонли қарори билан О.Матхолиқовга Терактаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 0,10 га. ер майдони ажратиб берилганлиги кўрсатилгани, Тошлоқ туман ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги №411-сонли қарори билан жами 34 нафар фуқароларга 0,07 гадан 0,10 гача бўлган микдорда ер майдонлари ажратиб берилгани, О.Матхолиқов номига тайёрланган кадастр паспортида кўрсатилган ер майдонларига бўлган ҳуқуқлар 10.09.2024 йилда давлат рўйхатидан ўтказилгани, О.Матхолиқовнинг 10.09.2024 йилда давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдонларини хусусийлаштириш мақсадида 16.09.2024 йилдаги аризасига асосан Давлат активларини бошқариш вилоят бошқармасининг 2024-12/966-сонли ер участкасига мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери расмийлаштирилгани ва 23.09.2024 йил 1730227/Р-45240971-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилгани, О.Матхолиқов ўзига тегишли бўлган 0,10 га ер майдонини хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 27.09.2024 йилдаги 202401 406004811-сон билан қайд қилинган олди-сотди шартномасига асосан фуқаро Лочинов Шохнур Абдурашид ўғлига сотилгани ва фуқаронинг ер майдонига бўлган ҳуқуқлари 1730227/Р-45254570-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилгани, сўнг Ш.Лочинов ўзига тегишли бўлган 0,10 га, ер майдоннинг 250 кв метр қисмини 04.02.2025 йилдаги 202501406000566-сон билан қайд қилинган кучмас мулкни олди-сотди шартномасига асосан фуқаро Хакимова Мохидил Махамаджановнага ва ушбу шартнома билан ўзига тегишли бўлган ер майдоннинг Хидоятлов Исмоил Джалаловичга сотилгани ва фуқаролар ер майдонига бўлган ҳуқуқлари 1730227/Р-А5645201-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилгани, ҳозирда фуқаро Ш.Лочиновнинг ўзида 0,05 га ер майдонлари қолгани, Тошлоқ туман ҳокимининг 17.02.2010 йилдаги 104-сонли қарори билан Фарғона нефтни



қайта ишлаш заводи фойдаланиб келаётган туман ҳудудидаги жами 63285,65 кв метрда жойлашган бино- иншоотларга эгалик ҳуқуқини тиклаш ва ушбу биноларни эгаллаб турган ер майдонларини доимий фойдаланиш учун бириктириб берилгани, мазкур қарорга асосан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 1-тизимига қарашли 7-қудуқ фойдаланишида бўлган бинолар ва бинолар эгаллаган ер майдонлари 1828,42 кв метр этиб кўрсатилгани, шунга асосан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 1-тизимига қарашли 7-қудуқ фойдаланишида бўлган 1828,42 кв метр ер майдонлари ва биноларига нисбатан 2018 йилда кадастр ҳужжатлари тайёрланиб, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари 08.08.2018 йилда давлат рўйхатидан ўтказилгани, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 1-тизимига қарашли 7-қудуқ фойдаланишида бўлган ер майдонлари жойига чиққан ҳолда ер майдони чегаралари ва майдонига аниқлик киритиш мақсадида ўлчов ишлари олиб борилганида ҳозирда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 1-тизимига қарашли 7-қудуқ фойдаланишида бўлган ер майдони 950 кв метр ташкил этиши, 08.08.2018 йилда тайёрланган кадастр ҳужжатлари кўрсатилган ер майдонидан 878 кв метр камлиги аниқлангани, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 1-тизимига қарашли 7-қудуқ фойдаланишида бўлган ер майдонинг 878 кв метр қисмидан бугунги кунда фойдаланиш ҳолати ўрганилганида, 7-қудуққа тегишли бўлган ер майдонига нисбатан фуқаро О.Матҳолиқовга нисбатан давлат кадастрлари палатаси Тошлоқ тумани филиали мутахассиси Б.Бегматов томонидан 10.09.2024 йилда кадастр паспорти шакллантирилганлиги аниқлангани, кадастр ҳужжатларини тайёрланишига асос сифатида Тошлоқ туман ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги 411-сонли қарори билан О.Матҳолиқовга Терактаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 0,10 га ер майдони ажратиб берилганлиги кўрсатилгани, Тошлоқ туман ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги 411-сонли қарори билан жами 34 нафар фуқароларга 0,07 гадан 0,10 гача бўлган миқдорда ер майдонлари ажратиб берилгани, 34 нафар фуқароларга нисбатан тайёрланган кадастр ҳужжатлари ва унинг қишлоқ хўжалиги картаси бўйича жойлашган манзиллари ўрганилганида, 34 нафар фуқароларга нисбатан тайёрланган кадастр ҳужжатлари, яъни 2011 йилда Х.Тургуновга, 2014 йилда Т.Эргашевга 2018 йилда М.Эминжанов, А.Мирзахмедов, А.Мухамедов, Х.Кодиров, М.Тўланова, М.Юнусовларга, 2019 йилда А.Кодиров, Р.Исомов, А.Юнусов А.Гозиев, М.Тожибоев, А.Холматов ва Ш.Садиковаларга, 2023 йилда А.Жамолхужаевга, 2024 йилда А.Назировларга нисбатан кадастр ҳужжатлари тайёрланган бўлиб, ушбу 411-сонли қарорда кўрсатилган фуқароларнинг барчасига қишлоқ хўжалиги харитасининг 1125-сонли контурида жойлашган ер майдонларидан ҳужжатлар тайёрлаб берилгани, фуқаро О.Матҳолиқовга Тошлоқ туман ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги 411-сонли қарори асос қилиниб 0,10 га ер майдонларига тайёрланган кадастр ҳужжатлари ва ер майдонинг жойлашган жойи қишлоқ хўжалиги харитаси орқали кўрилганида 1126-сонли контурга тўғри келишлиги аниқлангани, фуқаро О.Матҳолиқов томонидан Тошлоқ туман ҳокимининг 05.09.1994 йилдаги 411-сонли қарори билан ажратиб берилган ер майдони ўрганилганида, қарор бўйича фуқароларга



ажратиб берилган ер майдонида у томонидан 0,19 га ер майдонидан турар-жой сифатида фойдаланиб келаётгани, лекин ушбу 0,19 га ер майдонига нисбатан тегишли кадастр ҳужжатлари тайёрланмаганлиги аниқлангани, О.Матҳолиқов томонидан турар-жой сифатида фойдаланиб келаётган 0,19 га ер майдони 411-сонли қарорда кўрсатилган И.Низомов ва Р.Исомовларга ажратиб берилган ер майдонларига бир чегарада жойлашганлиги маълум бўлгани, 2019 йилда фуқаро кадастр идорасига келиб, бир ойна бўлимига ер ажратиш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжати илова қилган ҳолда (туман ҳокимлиги қарори, колхоз, маҳалла идораси қарор) ариза қилгани, ушбу ариза Тошлоқ тумани кадастрлар палатаси Тошлоқ тумани филли муҳандисига келиб тушгани, ходим аризачи билан айтган жойга чиқиб, хатлов ишларини амалга ошириб, чегарадош кўшниларга имзо қўйдириб, йиғма жилди ҳужжатларни икки нусхада шакллантиргани, йиғма жилд Кадастрлар палатаси Тошлоқ тумани филиали раҳбари ва бош муҳандисига берилган улар танишиб чиқиб, қонунийлигини ўрганиб, имзо қўйиб, печат босиб бергани, мутахассис тайёр бўлган кадастр йиғма жилдини бир нусхасини архив сақловига бир нусхаси эса бир ойна бўлимига берган у ердан фуқаро келиб ўзи олиб кетгани, кадастр йиғма жилди бир ойна бўлимида рўйхатга олиш китоби бўлгани, ўша китобга қайд қилиб борилгани ҳақидаги кўрсатувлари билан;

шунингдек, ҳодиса жойини кўздан кечириш, Х.ХХХнинг яшаш манзилида ўтказилган тинтув баённомалари, фото иловалар, суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 6 майдаги 2517-сонли хулосаси, суд-хатшунослик экспертизасининг 2025 йил 6 июлдаги 64-сонли хулосаси, иш ҳужжатларидаги Қўлдошев Мўсинжон Тўланбоевич номидаги 15:11:04:04:02:0754 рақамли 05745-сонли, фуқаро Матҳолиқов Халимжон Қобилович номидаги 04511-сонли, Қўлдошев Аслжон Қодирович номидаги 15:11:02:04:02:0168 рақамли, Маматҳолиқов Давлатжон Одилжонович номидаги 15:11:04:04:02:0752 рақамли 05744-сонли, Юлдашев Оббосжон Акмалжон ўғли номидаги 15:11:02:04:02:0751 рақамли қалбакилаштирилган кадастр йиғма жилдлари, туман ҳокимининг 30.05.2019 йилдаги 236-сонли ва 24.03.2018 йилдаги 1941-сонли қалбаки қарорлари, олди-сотди шартномаси, қалбакилаштирилган ҳужжатлар, кадастр йиғмажилдлари нусхалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан рад қилиниши ҳақида хулосага келди.

Апелляция инстанцияси суди, жабрланувчи Ш.Лочинов томонидан апелляция шикоятда ва суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 416-417-моддалари тартибида асослантирилган илтимоснома киритилмагани сабабли, унинг апелляция шикоятдаги, барча айбдор шахслар жавобгарликка тортилмагани ҳақидаги важлари билан келишмади.

Биринчи инстанция суди ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига,



айбдорнинг шахсига, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, Х.ХХХга жазо тайинлашда, унинг оилавий шароитини эътиборга олиш билан бир қаторда жиноятлар ғаразли ниятларда содир этилганини, жабрланувчиларнинг қонуний чора кўриш ҳақидаги талабини инобатга олиб, у айбланган моддалар санкцияси доирасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, сўнг ЖКнинг 59-моддаси 3-қисми тартибида узил-кесил жазо тайинлаб;

Х.ХХХХХга жазо тайинлашда, унинг айбига қисман иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини эътиборга олиш билан бир қаторда жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, у айбланган моддалар санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаб, сўнг ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми тартибида узил-кесил жазо тайинлаб;

О.Бозоровга жазо тайинлашда, унинг оилавий шароитини, ёшини эътиборга олиш билан бир қаторда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда бевосита иш фаолияти билан боғлиқ ҳолатда содир этганини инобатга олиб, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаб, сўнг ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил жазо тайинлаб;

Х.ХХХХга жазо тайинлашда, унинг оилавий шароитини, ёшини эътиборга олиш билан бир қаторда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда бевосита иш фаолияти билан боғлиқ ҳолатда содир этганини инобатга олиб, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Бироқ, биринчи инстанция суди Х.ХХХХга ЖКнинг 60-моддаси тартибида жазо тайинлашда хатоликка йўл қўйган.

Хусусан, О.Соийбжонов муқаддам жиноят ишлар бўйича Олтиариқ туман судининг 2022 йил 28 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми “а” банди билан 4 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2025 йил 6 январдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан жазонинг 2 йил 7 ой 17 кунини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган ҳамда мазкур жазони тўла ўтамай туриб, жиноят содир этган янги жинояти учун жиноят ишлар бўйича Қува туман судининг 2025 йил 8 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 241-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, 45-моддаси қўлланиб, 60 ва 61-моддаларига асосан 1 йил 6 ойга Ўзбекистон Республикаси Давлат Кадастрлар тизими ҳамда давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда моддий жавобгарлик ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Муҳокама қилинаётган ҳукм бўйича Х.ХХХХ томонидан содир этилган жиноятлар эса жиноят ишлар бўйича Қува туман судининг 2025 йил 8 октябрдаги ҳукми чиқарилгунга қадар содир этилган.



Биринчи инстанция суди Х.ХХХХга ЖКнинг 59-модда 8-қисми тартибида узил-кесил жазо тайинлаб, тўғри хулосага келган бир вазиятда, унга муқаддам суднинг ҳукми билан тайинланиб, ўталмаган жазо жиноят ишлар бўйича Қува туман судининг 2025 йил 8 октябрдаги ҳукми билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида қўшиб бўлинганини эътибордан четда қолдириб, ушбу жазони такроран қўшиб, жазо тайинлаб, Жиноят кодекси Умумий қисми моддаларининг талабларини бузилишига йўл қўйган.

Бундай ҳолатда, суд ҳукмининг Х.ХХХХга ЖКнинг 60-моддаси тартибида жазо тайинлаш қисмини қонуний деб ҳисоблаб бўлмайди.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси суди, суд ҳукмининг Х.ХХХХга ЖКнинг 60-моддаси тартибида жазо тайинлаш қисмини бекор қилишни ҳамда унга ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазони қонунга мувофиқлаштирган ҳолда ўзгартиришни лозим топди.

Бундан ташқари, апелляция инстанцияси суди юқорида кўрсатилган асосларга кўра, судланган Х.ХХХ, О.Матҳолиқов, Х.ХХХХ ва О.Бозоровга улар айбланган моддалар санкцияси доирасида адолатли жазо тайинланганлиги сабабли, жабрланувчи Ш.Лочиновнинг апелляция шикоятдаги, судланганларга енгил жазо тайинлангани ва оғирроқ жазо тайинланиши лозимлиги ҳақидаги вазияти билан ҳам келишмади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497²⁶, 497³¹-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси суди

ажрим қилди:

Жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2025 йил 15 октябрдаги ҳукмининг

_____ оид қисми

ўзгартирилсин.

Суд ҳукмининг Х.ХХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида жазо тайинлаш қисми бекор қилиниб, 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида тайинланган жазо 2 йил 6 ойга Ўзбекистон Республикаси Давлат Кадастрлар тизими ҳамда давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда моддий жавобгарлик ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йил 11 ой муддатга иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари вақтда яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазосига келтирилсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Жабрланувчи Ш.Лочинов ва судланган Х.ХХХнинг апелляция шикоятлари қаноатлантirmасдан қолдирилиб, судланган Х.ХХХХнинг ҳимоячиси билан биргаликдаги шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Ажрим устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.



Раислик қилувчи:

Б.Мамажонов

Ҳайъат судьялари:

О.Мирсадиков

Р.Зарипов

Ҳужжат имзоланган: Зарипов Рустам Рахматжонович, 16.02.2026



Раислик қилувчи:
Ҳайъат судьялари:

имзо
имзо
имзо

Б.Мамажонов
О.Мирсадиков
Р.Зарипов

нусхаси аслига тўғри:
вилоят судининг судьяси

Р.Зарипов

Ҳужжат имзоланган: Зарипов Рустам Рахматжонович, 16.02.2026

